



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 5 апрел, жума №55 (1272)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Биз демократик янгилашни, бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида қанча-қанча қийинчилик ва машаққатлар эвазига қандай ютуқларни қўлга киритган бўлсак, буларнинг барчасини аввало ўзимиз учун, юртимиз учун, фарзандларимизнинг келажиги, уларнинг бахт-саодати учун, деб билмоғимиз даркор.

## ЯНГИЛАНИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИ ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ



### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар! Қадрли дўстлар! Олий Мажлисининг бугунги сессияси муҳокамага киритилган муҳим масалалардан бири - бу жорий йилнинг 27 январда бўлиб ўтган умумхалқ референдумининг натижалари ва уларни ҳаётга татбиқ қилиш билан боғлиқдир. Бу вазифа бугунги кунда мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги энг долзарб масала бўлиб турибди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Мен фурсатдан фойдаланиб, ана шу вазифани амалга ошириш бўйича ўзимнинг баъзи бир фикр-мулоҳазаларимни билдиришни зарур, деб ҳисоблайман. Аввало, бу борада фикр алмашиш ва ҳулосалар чиқаришдан олдин: биринчидан, бўлиб ўтган умумхалқ референдуми нима учун, қандай мақсадда ўтказилди; иккинчидан, референдум нимага кўрсатди, одамларимизнинг қандай қарашларини намоён этди; Ва, шулардан келиб чиққан ҳолда, учинчи масала - референдум яқунлари

ҳаётимизда қандай акс этади, қандай амалий натижаларга олиб келади, деган саволларга яна бир бор қайтишимиз ўринли бўлади, деб ўйлайман. Чунки бу саволларнинг моҳиятини ўзимизга яққол тасаввур қилмасдан, референдумда сайловчиларимиз билдирган фикрларни инобатга олмасдан туриб, уларнинг хоҳиш-иродаларини ҳаётга татбиқ этишдек мураккаб ва масъулиятли вазифани тўлиқ амалга оширишимиз қийин бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш кераки, референдумда умумхалқ муҳокамасига қўйилган иккита масала, яъни келгуси қақриқдан бошлаб парламентимизни икки палатали қилиб ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат мuddатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш масалалари мамлакатимиз тараққиёти учун муҳимлигини, уларни ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кўрсатадиган катта таъсирини ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин, шу билан бирга, ўтказилган референдумнинг моҳияти ва унинг келгуси ҳаётимизга таъсири фақат шу иккита масала билан чеклини қолмайди,

десам, ўйлайманки, кўпчилик бу фикрга қўшилиди. Барчамизга аён бўлиши кераки, ҳар қандай демократик давлатда ўтказиладиган мана шундай умумхалқ тадбирлари сингари мамлакатимизда бўлиб ўтган референдум сайловчиларимизнинг олиб бораётган ислохотлар ва уларнинг келажигига нисбатан ўз муносабатини билдиришлари учун, таъбир жоиз бўлса, эркин минбар бўлди. Бошқача қилиб айтганда, кенг миқёсда бошланган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва кучайтиришга доир режаларни амалда бўйича, уларни қай йўсинда ва йўналишларда давом эттириш каби масалалар бўйича халқимизнинг фикрини олиш минбари бўлди. Бугун ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, референдум натижалари, сайловчиларимизнинг ундаги фаол иштироки ва билдирган ишончи том маънода халқимизнинг ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришларни, янгилашни, янги жамят қуриш жараёнларини, қолаверса, ҳозирги олиб бораётган ташқи ва ички сиёсатимизни қўллаб-қувватлаётганини яққол намоён этди.

Ва шу тариқа халқимиз мана шу танлаган йўлимизни давом эттиришга, уни янги, юксак босқичга кўтаришга ўз розилигини берди. Мухтасар қилиб айтганда, юқорида зикр этилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштирадиган бўлсак, референдум натижаларидан иккита муҳим ҳулоса келиб чиқади. Биринчидан, бизнинг бошлаган йўлимизни, яъни тоталитар тузумдан воз кечиб, юртимизда очиқ де-

этишдек саъй-ҳаракатларимизни халқимиз қўллаб-қувватламоқда. Референдумдан келиб чиқадиган иккинчи ҳулоса шуки, биз ўзимиз интилан фуқаролик жамятини шакллантириш борасида ҳеч кимдан кам бўлмайдиган марраларга етиш учун бошлаган ислохотларимизни изчил ва қатъиятлик билан давом эттириш ва янада чуқурлаштиришни ҳозирги вақтда ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда, буни кенг жамоатчилигимиз, халқимиз катта умид билан биздан кутмоқда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Мухтарам дўстлар! Энди референдум яқунлари ҳаётимизда қандай акс этади, деган учинчи саволга тўхтайсак. Яъни, бу яқунлар қандай йўллар билан, қандай тартибда татбиқ қилинади ва қандай амалий натижаларга олиб келади? Ўз-ўзидан аёнки, агар референдум натижалари, биринчи ғалда, Конституциямиз ва қонунчилигимизда ўзининг амалий ифодасини топмаса, ҳаво-да муаллақ ҳолда осилиб қолиши мумкин. Юридик луғатларга киритилган «имплементация», деган бир сўз бор. Бу тушунча қонун ёки қарорни амалда жорий қилиш, деган маънони билдиради ва сиёсий-иқтисодий ҳаётга ўта муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, мамлакатимизда ўтказилган референдумнинг натижаларини амалда жорий қилиш мақсадида бугун сизларнинг муҳокамангизга «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг

### ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

4 апрел куни Тошкентда иккинчи чақирiq Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси бошланди. Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, элчилар ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлди. Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда. Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи - котибиятни тузди, кун тартибини тасдиқлади. Сессия катнашчилари вафот этган депутат Т.Миродилов хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ёд этди. Марказий сайлов комиссияси раиси А.Аҳадов 2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдуми яқунлари тўғрисида ахборот берди. Олий Мажлис қарори билан ушбу ахборот маълумот учун қабул қилинди. Парламент «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси ва 2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг яқунлари бўйича амалга оширилган ишларнинг асосий йўналишлари қабул қилиниши Олий Мажлис депутатларининг бу борадаги келгуси қонунчилик фаолияти учун катта аҳамиятга эга. (Мартуза матбуотда эълон қилинмоқда).

Ушбу ҳужжатлар муҳокамасида Олий Мажлисининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э.Воҳидов, парламентнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий-демократик партияси марказий кенгашининг биринчи котиби А.Турсунов, «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик турдаги акционерлик жамяти бош директори Г.Прохоренко, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев, Қўқон шаҳар тибиёт билим юрти директори З.Охунова, Тошкент молия институти ректори М.Шарифхўжаев, Амударё тумани ҳокими Р.Йўлдошев, парламентнинг Демократик институти раиси А.Саидов катнашди. Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифларини инобатга олиб, «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонуни қабул қилди ва «2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг яқунлари бўйича амалга оширилган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарорни маълумлади. Молия вазири М.Нурму-

родов Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилги Давлат бюджети ихроси тўғрисидаги ҳисоботни сессияга тақдим этди. Ушбу масала бўйича Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Каримов қўшимча маъруза қилди. Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилги Давлат бюджети ихроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади. Парламент сессиясининг кенчи мажлиси Олий Мажлисининг Саноят, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмаркиннинг Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси лойиҳаси тўғрисидаги маърузаси билан бошланди. Сессияда Тошкент архитектура ва қурилиш институти ректори Б.Асқаров, «Ривож» ҳусусий савдо-иш-лаб чиқариш фирмаси раҳбари К.Отахонов, Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежи директори И.Бойжонов, «Наманган ирригация қурилиш» трести бошқарувчиси Ш.Матмусаев ушбу қонун лойиҳаси бўйича ўз фикрларини билдирди. Давлат тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади. Сессияда Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов «Кредит уюмлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасида Булунгур тумани ҳокими Х.Боймуродов, Олий Мажлисининг Иқтисодий масалалар ва бандлик қўмитаси котиби Ш. Умарова, Андижон вилоятидаги «Андижон на-шриёти» очик турдаги акционерлик жамяти бошқаруви раиси Х.Нўмонов, Сирдарё тумани ҳокими А.Синдаров иштирок этди. Парламент қонуни ва уни жорий қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди. Иккинчи чақирiq Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси ўз ишини давом эттиради.



Конституциявий қонуни лойиҳаси қўйилмоқда. Бу лойиҳа, авваламбор, давлат бошқаруви масаласида, қонунчилик ҳокимияти бўлиши Олий Мажлис (Давоми 2-бетда)

Боқимандалик кайфиятига берилиш банк-ротлиққа етакловчи йўллар. Таассуфки, баъзи мутасаддилар лоқайдлиги ташкилотни ана шундай ахволга солиб қўймоқда. Утган йил Сирдарё вилоятида 37 та хўжалик юритувчи субъект банкрот деб эътироф этилгани фикримиз исботидир.

Корхона иқтисодий ланиш пайдо бўлди. Одиночорликдан сақлаш, одамлар сарсон-саргардонлигига йўл қўймастикнинг имкони борми? Албатта, бунинг уddасидан чиқаётганлар кўпчиликини ташкил этади. Қўрилган чоратадбирлар туфайли зарар билан ишлаётган бир қатор корхона ва хўжалиқлар банкротлик чагалидан халос бўлди. Юзлаб иш ўринлари сақлаб қолинди. Умидсизликка тушган жамоада жонланиш, из-

хўжалик юмушлари бозор иқтисодиёти қонунарига мослаб ташкил этилди. Хувиллаб қолган корхонага қайта жон бахшида этилди. Ишловчилари ўз вақтида маош билан таъминлаш, ра-

дан олиб чиқилди. Бошқармамиз вилоятдаги 300 дан ортик мулжада, ўз вақтида зарур корхоналар устидан дошши мониторинг (кузатуви) олиб боради. Тахлиллар жараёнида ўндан ортик зарар билан ишлаётган корхоналар ўз маъқеларини тиклаб олдилар. Қўрилган чора-тадбирлар туфайли 112503 минг сўм мuddати ўтган кредитор қарзлари, 52249 минг сўм бюджет ва бюджетдан ташқари қарздорлик ҳамда 60254 минг сўм иш хақи қарзлари тўланди. Бу эса

нафақалар, аҳолининг моддий ёрдамга муҳтож қатламлари етарли даражада, ўз вақтида зарур маблағ билан таъминлаш имконини берди. Бироқ, ҳамма жойда ҳам корхоналар иқтисоди-

зилган эди. Ана шу даврда бошлаб бу икки ташкилот ҳаётида фалажлик даври бошланди. Ҳар иккала ташкилотнинг бюджет, ижтимоий сугурта жамғармаси олдидаги қарзлари ўсиб бораверди. Корхоналарга тегишли мулкни сотиш эвазига қисман мажбурий тўловлар амалга оширилди. Аммо иш ҳақидан қарздорлик ва бошқа тўловлардан қутилиш уddасидан чиқилмади. 4-қурилиш ташкилотда 3 маротаба раҳбар ўзгарди. Лекин ҳар учала масъул

### Долзарб мавзу

иш ўринларидан маҳрум бўлиб, маошсиз қолдилар. Тадбиркорлик — давр талаби. Ҳар бир раҳбар жамоага чуқур масъулиятни ҳис этиб, ташаббускорлик билан етакчилик қилмас экан кўпчиликни мушкул ахволга солиб қўйиши мумкин. Юртбошимиз таъкидлаганидек, уddабуронлик ҳар бир масъул шахснинг ишига айланмоғи шарт.

Орзикул МҮМИНОВ, Сирдарё вилоят иқтисодий ночор корхоналар худудий бошқармаси бошлиғи.

# БАНКРОТ

тадбиркорлик билан унинг олдини олиш мумкин



# КАДР ТОПШАН ҚАРИЯЛАР

**Меҳнат ахлининг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоялаш, уруш ва меҳнат фахрийларини соғломлаштириш, мазмунли дам олишларини ташкил этиш, хайрли ишларни изчиллик билан амалга ошириш касба уюшмаларининг устувор йўналишларидандир.**

Қарияларни кадрлаш йили муносабати билан Тошкент шаҳар касба уюшмалари Кенгашида қандай тадбирлар режалаштирилган?

Пойтахт касба уюшмалари Кенгашининг раиси Мирзохид СОДИҚОВ бу борада амалга ошириладиган ишлар ҳақида жамоатчи муҳбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Хонадонимиз файзи, кут-баракаси бўлмиш отахонларимиз, чехрасидан нур ёғилувчи меҳридарё онахонларимиз ҳар қандай юксак иззат-икромга муносиблар.

«2002 йил — Қарияларни кадрлаш йили» Давлат дастурини амалда татбиқ этиш мақсадида Кенгаши мизнинг тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.


Унга биноан корхона ва ташкилотларнинг моддий имкониятларидан келиб чиқиб, жамоа шартномаларига қатор қўшимча, имтиёзларни киритиш кўзда тутилган. Меҳнат қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларда қайд этилганидек меҳнат қилаётган пенсионерларга ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллари бериш, йиллик

тадбирларни амалга ошириш ҳам кўзда тутилган. Пойтахтдаги Нуронийлар оромгоҳида ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийсида умумхалқ байрамларида бадий жамоаларнинг чиқишлари ташкил этилади. Ушбу муассасаларга «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталарини бепул обуна қилиб бериш, корхона ва ташкилотларда кекса авлодлар учрашувини ўтказиш, маънавият ва маърифат хоналарида уруш ва меҳнат фахрийлари бурчакларини ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

Янги оила куриш, ёш оилаларни узок йиллар бахтли умр кечириши омиллари мавзуларида ёшлар ўртасида суҳбатлар ўтказиш ва ушбу тадбирларга пири — бадавлат отахонлар, табаррук онахонларнинг жалб этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Халқ ўйинлари ва мумтоз кўшиқлар байрамлари, бадий санъат асарларининг кўргазмалари ҳам ташкил этилади.

Инсонга наф келтириш касба уюшмаларининг олий мақсади бўлиб, бу эзгу ниятни, савобли ишларни сиқидилдан амалга ошириш йўлида кучгайратимиз, меҳнатимизни аямаймиз.

**Суҳбатдош:**  
**Улуғбек ПУЛАТОВ.**



Каттакўрғон туман Ички ишлар бўлимига қарашли йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари туманлараро хизмат кўрсатиб келишмоқда.

Шунингдек, улар Самарқанд автотомобил мактабининг Оқтош бўлими билан ҳамкорликда хайдовчилик касбини эгаллаётган ёшларни чуқур билим олишларига ҳам ҳар томонлама кўмаклашишмоқда.

**Суратларда: қидирув бўлимининг бошлиғи, милиция қаровули Фарҳод Дўстмуродов ҳамкасби Фарҳод Ҳамроев билан. Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.**

## ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ — ТАЛАБАЛАР МЕҲМОНИ

... Ўзбекистон Қаҳрамонларининг Фарғона шаҳар солиқ коллежи талабалари билан учрашув машҳур аллома Аҳмад ал — Фарғоний ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилишдан бошланди. Сўнг меҳмонлар бўлажак солиқчиларнинг ўқиш ва яшаш шартлари билан танишдилар.

Залин тўлдириб ўтирган ўқувчилар Ўзбекистон Қаҳрамонлари — халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, халқ шоири — Эркин Воҳидов, Кўкун шаҳридаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси Манзураҳон Мадалиева, Фарғона чўллариини ўзлаштиришда фидокорлик кўрсатган машҳур пахтакорлар Комилжон Мамажонов, Юрсинбой Қўзиев, Қамчиқ довони узра йўл солган довурак автоскрейперчи Улуғбек Умаровни қарсақлар билан кутиб олдилар.

Дастлабки дақиқаларданок суҳбат қизиқ кетди. Ийгиликларини ёзувчи Саид Аҳмаднинг «Уфқ» трилогияси, «Келинлар кўзғолони» драмаси ва бошқа асарларининг яратилиш тарихи билан танишдилар.

Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг парламентлараро алоқа масалалари юзасидан ҳозирда мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар, адабиёт ва санъатимизни ривожига Хукуматимиз раҳбарияти томонидан қандай эътибор берилганлиги хусусида, яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Америка Қўшма Штатларида қилган сафарининг якуни ўта самарали бўлгани, мамлакатимизда барпо қилинаётган янги-

янги иморат, иншоотларнинг қад кўтаришида, умуман республикамиз иқтисодий бартараф бўла боришида солиқ тизимининг ўрни ҳам салмоқли эканлиги ҳақида гапирдилар. Солиқ коллежининг жамоасига келгусида Ватанини равангакини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб, аъло баҳорлар билан ўқишларида тилак билдирди.

Қаҳрамонларнинг ҳаёт йўли ёшлар учун намуна. Улар бугунги муस्ताқил ҳаётимиз пойдеворини яратган ватанпарвар инсонлардир. Талабалар ҳар бир Қаҳрамоннинг ҳаёт йўлига ҳавас билан боқдилар ва кўнгилларига шу фидокор инсонлардек Ватанга хизмат қилиш орзусини тугиб қўйдилар. Бундай тадбирлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Шу боисдан Тошкент ва Бухоро шаҳарларидаги солиқ коллежларида ҳам фарғоналиклар тажрибаси асосида Ватанимизнинг донгдор кишилари билан ёшлар учрашувларини ўтказиш режалаштириб қўйилди.

**Ғулмуҳаммад МУСАЕВ,**  
**Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати бошлиғи.**

## САЁРАМИЗ САДОСИ РИМ — СОЧИ — МОСКВА

Душанба куни Италия бош вазири Сильвио Берлусконни Россияга ташриф буюрди. У дастлаб Сочи шаҳрида дам олаётган РФ президенти Владимир Путин билан юз кўришди. Мулоқотларда икки томонлама муносабатларни янги поғонага кўтариш, иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, маданият соҳасига тегишли турли жабҳаларни кенгайтириш, «Россия-Италия асрлар оша» кўргазмасини ташкил этиш сингари масалалар юзасидан фикр алмашилди. Кейинги музокаралар эса Москвада давом эттирилди.

## МАХСУС УЧРАШУВ

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида Ислам Конференцияси Ташкилотининг аъзолари бўлган давлатлар ташқи ишлар вазирларининг махсус учрашуви бўлиб ўтди. Уч кун давом этган анжуманда терроризмга қарши кураш ҳамда Яқин Шарқдаги вазият билан боғлиқ масалаларнинг муҳокама этилиши кўзда тутилган эди. Учрашув нихосида «Терроризм бўйича «Куала-Лумпур декларацияси» қабул қилинди.

## ҲОЗИРЧА ДАЛИЛЛАР ЙЎҚ

Буюк Британия ҳукумати Ироқда оммавий қирғин қуроли борлиғи ёки бу мамлакат шундай қуролини қўлга киритишга ҳаракат қилаётгани тўғрисида исбот ва далилларга эга эмас. Мамлакат бош вазири девонхонаси вакили кўни-кеча юқоридagi қирғини маълум қилди. Девонхона вакилининг таъкидлашича, ҳукумат бундай маълумотларни қўлга киритса, ўша заҳотиёқ матбуотда эълон беради.

## ЖАНГАРИЛАР ТОПШИРИЛДИ

Покистон ҳукумати ўтган ҳафта охирида Файсалхад ҳамда Лахор шаҳарларида ҳибсга олинган 20 нафар террорчини АҚШ хавфсизлик кучлари ихтиёрига топширди. Хабарларга кўра, улар тез кунларда АҚШнинг Гуантанамодаги «Толибон» ҳамда «Ал-Қоида» жангарилари сақланаётган ҳарбий лагерга жўнатиладилар.

Айни пайтда қўлга тушганларнинг шахси аниқланмоқда. АҚШ махсус хизмат вакилларининг айтишларича, ҳибсга олинганлар орасида «Ал-Қоида» экстремистик гуруҳининг етакчиларидан бири Абу Зубайда ҳам бор.

## ЯНА ТАЖОВУЗКОРЛИК

«Ал-Ҳазира» телеканалининг хабар қилишича, Исроил билан Фаластин ўртасидаги бир неча кунлик тинчлик муҳити яна бузилди. Халқаро ташкилотлар ҳамда йирик давлатлар раҳбарларининг даъватларига қарамай, икки ўртадаги ҳарбий тўқнашувлар яна бошланди кетди. Оқибатда Исроил аскарлари Рамаллох шаҳрида ҳибсда турган Фаластин хавфсизлик хизматининг 30 нафар ходимини қатл этди. Урдун дарёсининг фарбий соҳилидаги Калкилия ва Вифлеем шаҳарлари тўлиқ Исроил назоратига ўтган.

## АСЛАҲАХОНА ТОПИЛДИ

Ингушistonнинг Чеченистон билан чегарадош Маллитобек туманида қурол-яроғ сақланаётган аслаҳахона топилди. Маҳаллий милициянинг маълум қилишича, ертўладан 30 та гранатамёт, 3 та автомат, 5 килограмм пластин моддаси, пулемёт ҳамда ўқ-дорилар чиққан. Ҳозир текширув ва суриштирув ишлари ўтказилляпти.

## ТАБИЙ ОФАТ ҚУРБОНЛАРИ

Экваторда уч ҳафтадан бери давом этаётган ёгингарчилик катта сув тошқинларини вужудга келтирди. Натижада камида 20 га яқин одам қурбон бўлди, минглаб одамлар бошпанасиз қолди. Табиий офатдан мамлакатнинг Тинч уммонига туташган вилоятлари кўп талафат кўрди. Айрим худудларда сув сатҳи 2-2,5 метрга етди.

**Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.**

## ДЎСТЛИК ДАРБОЗАСИ

Куवासой шаҳрида «Ўзбекистон» божхона мажмуи фойдаланишга топширилди. Мажмуа давлатимиз сарҳадларини янада мустаҳкамлаш, гиёҳвандлик моддаларининг кириб келиши ва республикамиздан товар-моддий бойликларнинг ноқонуний четга чиқариб кетилишига йўл қўймайлик хизмат қилади.

Кирғизistonнинг Уш вилояти Қизилқия шаҳри йўналишида қуриб битказилган мазкур иншоот юртимизга келиб-кетувчи фуқаролар, техника воситалари ҳаракатини доимий равишда назорат қилади.

Божхона мажмуасида нозирлар ва меҳмонлар учун ишни тез ва сифатли бажариш, зарур ҳужжатларни расмийлаштириш учун барча шароит яратилган. Айниқса, қўл юкларини назоратдан ўтказувчи «Хайман» назорат аппарати божхона нозирларини ишини янада осонлаштирди. Бу ерда маҳаллий курувчилар кўмагида 250 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Жорий йилда Фарғона туманидаги «Водил», Риштон туманидаги «Риштон» божхона масканида ҳам стационар божхона масканини қуриб ишга туширишни режалаштирилганми, - дейди Фарғона вилоят божхона бошқармаси бошлиғи, божхона хизмати полковниги Алишер Омонбаев. - Бу эса божхона нозирларига бўлган эътибор, у ерда олиб бориладиган ишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш имконини беради.

## Қадамий йўли қўналғасида жойлашган Эллиққалъа мустақиллик йилларида ишлаб чиқариш ривожланган, кишлоқлари кун сайин қишлоқчилик, иқтисодий ислохотлар изчиллик билан амалга ошириляётган кўркам туманга айланди.

Қадамий чўл бағрида бундан 25 йил муқаддам Эллиққалъа тумани ташкил этилиб, асрий саҳро-ни ўзлаштириш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди. Янги ерларни кенг миқёсда ўзлаштириш мақсадида қурилиш ишлари бошланди. Қиммасиз дашт ҳақиқий чўлқуварлар, мардлар майдонига айланди. «Жанубийқорақалпоқсуқурилиши» трести бунёдкорлари ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш билан бирга равон асфальт йўллар, ҳар томонлама қулайликларга эга турар-жойларни барпо этдилар.

Ҳозирда кўксалик гаштини сураётган Ҳикматулло ҳожи Фахриддинов раҳбарлик қилган Амиробод қишлоғининг чўлқуварлар гуруҳи биринчилар қатариди иш бошлади. Тўрткўл туманидан келган шўраҳонлик маршум Исқандар Оллаберганаев, улийбоғлик меҳнат Қаҳрамони Норбой Рўзимбетов, Беруний туманининг Қиличиноқ ва Шаббоз овулларидан Ўринбой Машарипов, Сейтназар Аевзов каби инсонлар чўлнинг оғир машаққатларига дош бериб ҳақиқий жасорат кўрсатдилар.

Дашт одамларининг фидойилиғи, бағрикенглиги ва яқдиллиғи билан туманда катта ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар рўй берди. Йирик иншоотлар, корхоналар, маданият-маиший бинолар қад кўтарди.

Хўжалиги тузилиб, улар 12 та уюшмага бирлашдилар. 2 та чорвачилик, ширкат хўжалиғи ва 131 нафар мустақил фермерлар шаклланди.

Оролбўйида юзага келган экологик ноқулайлик ва сув танқислиғига қарамай «қирмизи дон», пилла тайёрлаш режаси ошириб бажарилди, жамоа чорвачилиғи ривожланиб бормоқда. Туманда асосий бойлик — суғориладиган ерларни авайлаб, унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Кишлоқларда инфратузилмани ривожлантириш тўғрисида»ги Қарори асосида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, бундан қарийб 8 йил муқаддам Оролбўйи худудида энг йирик «Элтек» тўқимачилик мажмуи ишга туширилди. Кўм барҳанларини ўрнида Туркиянинг «Язекс» текстиль инкорпорейтед» корпорацияси кўмағида қурилган тўқимачилик мажмуининг 5 та корхонасига Италиянинг «Марцоли», «Савио», «Рамалуумин», «Сомет», «Нокки», «Римольди», «Сибитекс», Олмоняннинг «Дюрпок-адлер», Туркиянинг «Сумер» ва «Даниш» русумли ўта замонавий дастгоҳлари, тикув ва тўкув машинала-

ри ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ана шундай корхоналардан 15 таси қурилиш ишлари билан шуғулланса, 15 таси чорва моллари сонини кўпайтириш устида иш олиб бораляпти. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида акционерлик-тижорат банклари ва Оролни кўтариш халқаро жамғармасининг Нукус бўлими томонидан кўп миқдорда кредитлар ажратилляпти.

Истиқлол тўғрисида иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётимизда катта ўзгаришлар содир бўлди, - дейди туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты Неймат Худойберганаев. - Йил бошида «Дўстлик» фермерлар уюшмасида 7 километрлик масофада газ қувурлари ётқизилиб, фойдаланишга топширилди. «Қиличиноқ» фермерлар уюшмасида аҳолига истеъмол молла-

## Истиқлол берган имкон

ри келтириб ўрнатилди. Ҳозирда маҳаллий ёшлар хорижий техника сирларини пухта эгаллаб олдилар. Тўқимачилик ҳиссдорлик жамияти базисида чет эл сармоясини жалб қилган ҳолда яна 2 та қўшма корхона ташкил этилди.

Айни пайтда «Эллиққалъа олтин толаси» деб номланган қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган пахта толаси хорижга экспорт қилинмоқда. Шунингдек, туманда 541 нафар жисмоний шахс тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади. 148 та фирма ва кичик корхоналарда халқ истеъмоли моллари-

ри билан савдо қилувчи минимаркет дўкони ишга тушди.

Меҳнаткашларнинг дунёқараши, онги, маданий савиясини юксалтиришга қаратилган маънавий тадбирлар ўтказилляпти. Туманда марказлашган маданият уйи, битта шаҳар ва 3 та қишлоқ маданият уйи, 5 та клуб, «Бўстон» ашула ва ракс дастаси, 31 та кутубхона ва бошқа маърифий муассасалар беминнат хизматда. Бундан уч йил муқаддам истеъдодли санъаткор, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Татаристон ва Туркменистон халқ артисти Отажон Худойшук-

оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, даволаш-профилактика муассасалари моддий-техника негизини мустаҳкамлашга жиддий аҳамият берилмоқда. Аналик ва болаликни муҳофазалаш мақсадида туғиш ёшидаги 25 минг нафардан ортиқ аёл тиббий кўрикдан ўтказилди.

Замонавий меъморчиликнинг сўнгги андозалари асосида барпо этилган академик-лицейда чўлқуварларнинг 600 нафар ўғил-қизлари аниқ ва табиий фанлар, хорижий филология йўналиши бўйича ўз билимларини ошираляптилар.

Эллиққалъа... Бу мавзениннг ўз даврида гуллаб-яшнаганини Тупроққалъа, Қизилқалъа, Аёзқалъа, Қирққизқалъа, Қўрғошқалъа, Қаватқалъа, Эллиққалъа, Гўлдурсунқалъа, Норинжонқалъа, Бургутқалъа, Қумбоғанқалъа, Уйкалқалъа, Ёнбошқалъа, Қўйрилгақалъа каби тарихий ёдгорликлар кўз-кўз қилиб турибди. 4,5 мингдан ортиқ экспонатлар жамланган археология ва тарих музейи авлодлар ўтмиши ва маданиятининг ёрқин кўзгусидир.

Айни пайтда туман деҳқончилигини обихаёт билан таъминладиган Бўстон канали бунёд этилмоқда. Аҳолининг асосий қисми сифатли ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланган.

Ўзбек, қорақалпоқ, туркман ва бошқа қардош халқлар яқдиди ва иноқ яшаётган, Султон Увайс азиз бобомизнинг руҳлари қўллаб-қувватлаётган икки дарё оралиғидаги бу сўлим диёр меҳнаткашлари мустақиллик неъматларидан баҳраманд бўлиб, янги марраларга интилишмоқда.

Эл соғлиғи — юрт бойлиғи. Шу боис туманда аҳоли соғлигини сақлаш, **И.ИСОМУТДИНОВ.**

(ЎЗА).

**Халқимизнинг совимли санъаткори, ўзининг бетакор иқтидори билан 40 йилдан бери элга хизмат қилиб келаётган Ўзбекистон халқ артисти, «Эл-юрт қирмати» ордени соҳиби Камолиддин Рахимовни муштарийлар яхши танийдилар. Санъаткоримизнинг «Кўнамдан жонон ўтганда», «Наргиз», «Сенсан севадим», «Қошига ўсма кўйиб» каби кўпдан-кўп кўшиқлари аллақачон халқимизнинг кўнгил мулкига айланган. Унинг ҳеч қандай ўхшамаган ширали овозини, дилбар кўшиқларини эшитганда қалблар жунбушга келади.**

Ўлкамизда Наврўзи Олам шодиёналари давом этаётган, олам баҳор ташрифидан яшнаб-яшараётган ажиб дамларда тахририятимизга Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Рахимов қадрдон торини кўтариб, шоғирдлари билан кириб келди. Ижодий жамоа билан бўлган мулоқотдан сўнг муғанний кўлига торини олди. Майин, дилни сеҳрловчи мусика янгради. Таралаётган наво гўёки қалбнинг нозик торларини бир-бир чертиб ўтаётгандек, оҳанглар оғушида юраклар тўлгандади, рухлар қанотланади. Шу кун қалблар нурланди, дунё кўшиққа, кўнгиллар шодликка тўлди.

Ана шу ажиб онлар завоқидан муштарийларни ҳам бахраманд этмоқ ниятида эл севган санъаткор билан суҳбатда бўлдик.

— Камолиддин ака, Сиз юртимизнинг энг гўзал гўшаси Наманганда туғилиб, камолга етгансиз. Бобораҳим Машрабнинг излари қолган бу муборак заминда, қарангки, бағрида гул ундириб тошлар куйлармиш, зилол сувларида мавжланиб мавжланиб тўлқинлар кўйиб айтса, мажнун тоғлар Она ерни тавоф этиб, уларга жўр бўлармиш. Айтинг-чи, санъат оламига сизни қандай шуур етаклаб келган?

— Ҳар инсоннинг қалбида муқаддас Она заминнинг меҳри, аждодлар руҳи барқарор яшайди. 40 йиллик санъаткорлик қисматимиз бунга жавобдир.

Табиатан водийликлар санъатсевар халқ. Бобом Мухаммад Иброҳим қози — маърифатли, адабиёт, санъатни қадрлайдиган нозиктаб, ўз даврининг илғор кишиларидан бўлган эканлар. Отамонам ҳам санъат шайдоси бўлсалар-да, давр та-

# ХАЛҚИМ УЧУН ЖЎШИБ КЎЙЛАЙМАН



қозоси билан оддийгина умр кечиришган.

Мен эса, эсимни танигандан бери ҳаётимни кўшиқсиз тасаввур этолмайман. Ижодим икки жабада кечди. Биринчиси, 1960-71 йиллар шаҳар маданият уйида оддий хонандаликдан, даста раҳбарлигига қадар бўлган даврим. Иккинчиси 1972 йилдан то шу дамгача — Наманган мусиқий театрида яққохон хонанда сифатида фаолият кўрсатдим. Мен бу даврда санъатнинг нури йўлида, ўзимни, ўзлигимни топдим.

— Кўшиқ илоҳий мўъжиза, дейдилар. Аждодларимиз кўйининг яралишини илоҳият билан боғлаганлар. Ҳатто, тупроқдан ясалган вужудга жонни қуй воситаси билан киритилган ҳақида ҳам ривоятлар бор. Қўшиқнинг мўъжизавий кучини сиз қандай идрок этасиз?

— Мумтоз кўшиқлар кўнгилдан гал-аамлини қувди, кишига тасалли беради, яшаш, курашиш иштиёқини уйғотади. Шунинг учун ҳам яхши кўшиқ янграши билан қалбга туғён тушади, юракда соҳир бир муҳаббат

бош кўтарди. Қўшиқ орқали инсон руҳи илоҳиятга яқинлашади, ўзлигини топади. Қолаверса, истеъдод Аллоҳ инъом этган неъмат, у ҳамиша яхшиликка, эзгуликка хизмат қилиши керак. Шундай кўшиқлар бўлганки, ҳар бир сўзи малҳам мисол одамларни, миллатни

хофиз билан ҳамкорликда қирқдан ортиқ кўшиқ ижро этдик. «Қошига ўсма кўйиб», «Фирог айла», «Севганинг ростми?», «Мен севаман, сен севасанми?» каби кўшиқларимиз эл орасида машҳур бўлиб кетган. Маълумки, Ўзбекистон ҳудудида миллий мусика-

## Сиз кутган учрашу

йўл. Ўз сози билан дунёни хайратга солган ана шу соҳибдорлардан ҳамиша ибрат оламан. Мусика санъати шундай хилқатки, ундан баҳра олганинг, ўрганганинг сари, дунё ҳақидаги тасаввурларнинг кенгайиб, унинг сир-синоатидан воқиф бўлиб, ўзлигингга яқинлашасан. Ўзлигини тушунган кўнгилга эса ўзга кўнгиллар бегона бўлмайди. Мен торни қалбим билан чертаман, кўшиқни юрагим билан айтаман, десам муволафа бўлмас. Ижро этган кўшиқларимнинг 80 фоизини устозлар йўлидан бориб ўзим яратганман.

— Базан ажабтовур кўшиқларни эшитиб қоламиз...

— Яхши кўшиқ хоҳ Шарқда, хоҳ Фарбда яратилсин инсон қалбида эзгу хислар уйғотади. Ҳаёт эса ҳамиша ривожланиб, илгарилар бораверади. Умрибоқий кўшиқлар кеча ҳам бўлган, бугун ҳам, эртага ҳам бўлади. Чунки, ҳаётни усиз тасаввур этиб бўлмайди. Улар бизнинг кўнгил мулкимиз. Нима бўлганда ҳам ёшларимиз «Ушшоқ», «Сегоҳ», «Қаландар», «Муножот»ни билишлари, уни кўнгил мулкига айланттиришлари шарт.

Кўшиқчиликда икки йўлни тутаётган ҳақиқат мумтоз кўшиқлар ҳамма ерда ҳам ижро этилмайди, уни ўз тингловчилари бор. Санъаткор бундан ниқармаслиги лозим.

— Шу кунларда қандай кувонч-у ташвишлар билан яшасиз?

— Азалдан биз ўзбеклар ота-она ризосини кўз устига қўйиб, фарзандлар орзу-ҳавасини қўришга интилиб яшайдиган халқмиз. Мана шу эзгу интилиш, орзулар давлатимиз сиёсатида ҳам устувор йўналиш эканлиги гоётда қувончли ҳолдир. Бу эзгуликларни саҳий, соҳиёвлати элнинг санъаткори сифатида кўшиқларимда куйлаётганман. Яқинда нуронийларга атаб «Қари билганини пари билмайди» деган янги кўшиқ яратдим. Унинг сўзини марғуллик шоир Ниғоҳий ёзган. Қолаверса, ўзим ҳам муборак 60 ёшнинг остонасида турибман. Ниятим — кўшиқларимни соғиниб эшитувчи мухлисларга муносиб совға тайёрлаш. Театримизда кўпгаб истеъдодли санъат-

кор ёшлар ишлашади. Улар билан ҳамкорликда «Аёллар хониш қилганда» деб номланган янги кўшиқлар гулдастасини тузиб, томошабиларга тақдим этиш ҳаракатидаман.

Яна шоир Ҳабиб Саъдулла ва Зиёвуддин Мансуровлар билан ҳамкорликда «Аждодлар ёди» мусиқали дастур тайёрлаёмиз. Унда Наманганда туғилиб, камолга етган ҳамда тақдир тақозоси билан Ватандан жудо бўлган ижодкорлар ҳаёти ва фаолияти акс этади.

— Кейинги пайтларда санъаткорлар сулоласи пайдо бўлдики, улар оталари изидан бориб, кўшиқчиликда ўз соҳлари, овозлари билан элга манзур бўлмоқдалар. Фарзандларингиздан бирортаси Сизнинг касбининг ихтиёр этдимиз?

— Тўрт ўғил, уч қизим бор. Бир этак невараларнинг бобосиман. Фарзандларимнинг бари олий маълумотли, ўз касбининг фидойилари. Улар санъатни севиб, ардоқлашади. Ораларидан фақат Ҳасанхўжа ўғлим ашула айтади. Турмуш ўртоғим Кифоятхон катта хонадонимиз бекаси, фарзандларимга бош, савобли ишларимизга йўлдош.

— Бўш вақтларингизни қандай ўтказасиз?

— Китоб ўқишни жуда яхши қўраман. Фузулий, Навоий, Машраб, Амириш, Оғаҳий газалиёти, Аҳмад Яссавий ҳикматларини ўқиганда, олам-олам маъно топаман, ҳам кўнглим, ҳам руҳим қувватланади. Чунки, уларнинг ҳар бир сўзи замирида минг оламга татиғулик маъно ётади.

Қолаверса, оқил ва доно, олим кишилар суҳбатини излаб юраман. Миллий пичоқларни йиғишга жуда қизиқаман. Яна турли пластинкалар тўплашни ёқтираман. Қарийиб, 40 йилдан бери тўплаган жамламанинг ўзи бир олам.

— Муштарийларга тилакларингиз?

—Бағрибунлик, соғлиқ, маънавий камолот тилайман. Ҳамиша халқим учун жўшиб куйлайман!

**Суҳбатдош:**  
Аминахон КОДИРОВА.

## ОЛТИНЧИ ФЕВРАЛ ФАРЗАНДАРИ

Бағри кенг ўзбекининг ўчмас иймони, Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!

Ўзбекистон Республикаси Мадҳиясидаги ушбу сатрларни эшитганимда пойтахтимиздаги А.Навоий номи Нафис санъат мактаби ва унинг ўқувчилари кўз олдимдан ўтади.

Мақтаб мустақиллигимиз тенгдоши. У 1991 йилда ташкил топган.

Мақтабга ўқувчилар 5-синфдан бошлаб қабул қилинади. Ҳозир бу ерда 640 нафар ўқувчи она тили ва адабиёт, тарих, инглиз тили, санъатшунослик, математика ҳамда телевидение ва радио суҳандонлиги йўналишлари бўйича таълим олаёттир. Шунингдек, бу ерда ҳаёт қадри, умрнинг мазмун-моҳияти, инсоний меҳр-оқибат, одамийлик каби олижаноб фазилатлар борасида ҳам кўпни кўрган устозлар сабоқ берадилар.

Республикамизнинг турли бурчакларидан танлов асосида қабул қилинган иқтидорли ўғил-қизларга Ниғмат Усмонов, Абдураҳмон Муқобилов, Захро Дадаҳўжаева, АКШдан ташриф буюрган ўқитувчи Толертон Кетрен ва бошқалар юрак кўрини берган ҳолда ўқув-тарбия ишларини олиб бораёттилар.

Иқтидорли ёшлар мазкур билим даргоҳининг фахри-ифтихоридир. Бундан тасдиқлаш учун кўпгаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Малика Нурмухамедова Аксел дастури бўйича АКШ мактабларидан бирида тахсил олаёттир. Ҳиндистонда халқроқ «Шанкар» мукофоти учун ўтказилган кўрик-танловда мактаб ўқувчилари тўртта нуфузли ўринга эга бўлдилар ҳамда 4 та медални кўлга киритдилар.

Яқинда собиқ ўқувчилардан бири Умида Йўлчибоеваннинг шеърини китоби нашр этилди. Бошқа бир ўқувчи — Наргиза Тўхлиева эса Зулфия мукофотига сазовор бўлди. Ўқувчи Алишер Исҳоқов ўтган йили республика Олимпиадасида 1-ўринни эгаллади. Олим Раҳимов эса айни кунларда республика Олимпиадасига тайёргарлик кўраёттир.

Мақтаб ўқувчиларини «6 феврал фарзандлари» деб аташади. Бунинг сабаби — мактабнинг ҳар бир ўқувчиси ҳар йилнинг 6 феврал кунини ўзи қанот ёзиб чиққан ушбу даргоҳга келади. Бу нарса ўзига хос аънаанага айланган қолган. Айнан шу кун устоз ва шоғирдлар ўз кўришадилар, бир бирларининг меҳрига тўядилар. Бир кун келиб мустақил Ўзбекистоннинг бешигини тебратадиган ўғил-қизлар айнан шу кунини ўзлари учун бир дунё маънавий озуқа олиб қайтадилар.

**Муҳайё ИСАЕВА.**

## Тошкентда ўтказилган «Заргарлик - 2002» халқаро кўргазма-ярмарка мамлакатимизнинг минтақанинг заргарлик марказига айлантиришни, шу билан бирга миллий ва минтақавий заргарлик марказларини яқинлаштиришни кўзда тутди.

### ЗАРГАРЛАР КЎРГАЗМАСИ

Халқаро кўргазмада Россия заргарлари гилдияси вакиллари, Россиянинг «Кадо» заргарлик уйи, Мактайм соат корхонаси, «Кристалл» ва «Яшма» заргарлик марказлари ҳамда «Алмаз холдинг» компанияси иштирок этиди. Шунингдек, кўргазмада Арманистон ва Киргизистон заргарлари ҳам қатнашишади. Киев заргарлик корхонаси вакиллари ҳам кўргазмада иштирок этиш ниятида.

Шуни таъкидлаш лозимки, кўргазманинг асосий қатнашчилари Ўзбекистоннинг давлат ва хусусий заргарлик фирмалари ҳисобланади. Кўргазмада Ўзбекистондаги энг йирик заводлардан бири — Навоий тоғметаллургия комбинати қошидаги Зарафшон заргарлик заводининг маҳсулотлари ҳам ўрин олади. «Мусавир», «Хунарман» ташкилотлари Ўзбекистон аънавий заргарлик санъатини кенг намойиш этадилар. Дастурга кўра «Энг яхши заргарлик асари» танлови, «Заргарлик асарлари намойиши» ва медаллар фестивали ўтказилиши режалаштирилган.

## УЛАР АНДИЖОН БОКС МАКТАБИДАН

Қува шаҳрида 1986-1987 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича мамлакат биринчилиги баҳслари нихосига етди.

Унда 220 дан ортиқ умидли ёш чарм кўлқоп устаси 13 вазн тоифасида ўзаро беллашди. Бир ҳафта давом этган қизиқарли мусобақада ўз вазн тоифаларида андижонлик Р.Тошматов, Ф.Каримов, Э.Ғуломов, сирдарёлик О.Шаимов, чирчиқлик И.Раҳимов, Т.Маматов, жиззахлик М.Ғайзуллаев, тошкентлик З.Ортиқов, Б.Саидов, фарғоналик Д.Расулов, И.Нуралиев, бухоролик А.Отаев, самарқандлик А.Мирғозиев шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Умумжамоа ҳисобида Андижон вилояти бокс мактаби тарбияланувчилари биринчи ўринни эгаллашди. Иккинчи ва учинчи ўрин Тошкент шаҳри ва Фарғона вилояти жамоаларига насиб этди.

Мазкур турнир жорий йилнинг май ойида Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида бўлиб ўтадиган ўсмирлар ўртасидаги халқаро мусобақалар олдинда ўзига хос тайёргарлик босқичини ўтади. Халқаро мусобақаларга борадиган умидли боксчиларни саралаб олиш имконини берди.

(УЗА).

## Мустақиллик йилларида инсон саломатлигини муҳофаза қилиш бош мезонга айланди. Бу борада ҳуқуқимиз сабъ-ҳаракати билан кўпгаб тадбирлар ўтаётти. Аммо, турли касалликларнинг олдини олиш ҳар бир инсоннинг ўзига кўп жиҳатдан боғлиқ. Касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олиш афзал. Айниқса, Ҳозирги пайтда турли жойлардан келтирилаётган озқовқат маҳсулотлари орқали ҳам ҳар хил касалликлар келиб чиқаётганлиги қувватланмоқда. Шу боис, бундай пайтда эҳтиёт чораларини кўриш лозим. Ҳақиқатан ҳам касалликлардан бири куйдиргидир. Унинг келиб чиқиши анча узоққа бориб тақалади.

Куйдирги ўта хавфли, ўткир юқумли касаллик бўлиб, қадимда халқ орасида «ёмон карбункул», «илоҳий олов», «эрон алангаси» каби номлар билан ҳам аталган. Бу касаллик уй ҳайвонлари ва ҳатто одамлар орасида ҳам учрайди. Касаллик тарқатувчи микроорганизмлар ташқи муҳитда — тупроқда, сувда, бир неча ўн йиллаб сақланиши мумкин.

Куйдиргининг асосий манбаи ифлосланган тупроқ ҳисобланиб, ҳайвон ўсимликларни истеъмол қилиши туфайли касалланади. Шунингдек, куйдирги таёқчалари ҳаво-томчи, чанг-тўзон билан юқори нафас йўллари орқали организмга сингиди.

Касалланган ҳайвон микробни ташқи муҳитга — қон аралаш суюқликлар, ўпка орқали ажратаяди. Соғлом кишиларга куйдирги таёқчалари турли хил қон сўрувчилардан ҳамда ҳайвонларнинг

## Сўраган эдингиз

овқат ҳазм қилиш ва нафас олиш аъзолари орқали юқади. Касалликнинг яширин даври бир неча соатдан 14 кунгача, ўртача 2-3 кунга тенг. Куйдиргининг тери, ўпка, ичак ва бошқа шакллари бўлади. Тери шаклига хос нарсаяра ва уни қоплаган қор парданинг атрофида инфилтрат тўпланади ва шиш аломати келиб чиқади. Беморда қувватсизлик, ҳароратнинг кўтарилиши, бош оғриғи, эт увишиши каби интоксикация белгилари пайдо бўлади. Касалликнинг ўпка шаклида эса кўкрак қафасида оғриқ, нафас қисши, йўтал, тумов белгилари билан кечади.

Куйдирги касаллиги ўз вақтида аниқланса, клиник белгиларига қараб тегишли даволаш усуллари қўлланилади.

Касалликнинг олдини қандай олиш мумкин, деган савол туғилиши мумкин. Уй ҳайвонларини ветеринария врачининг руҳсатисиз сўйиш, гўшт маҳсулотларини аҳоли орасида тарқатиб юбориш, уларнинг ички аъзолари, тери ва жунларини зарарсизлантирмасдан қўриб юбориш, ветеринария кўригидан ўтмаган гўшт маҳсулотларини истеъмол

қилиш, касалликни омма орасида кенг тарқалишига сабаб бўлади. Шунинг учун ветеринария руҳсати бўлмаган гўштини харид қилманг. Ҳайвон териси ва жунига ишлов бераётганда маҳсул кўлқоплардан фойдаланиш керак.

Ушбу касалликнинг олдини олиш мақсадида туман ДСЭНМ ходимлари томонидан доимий профилактик ишлар амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирилари томонидан бепул вакциналар ажратилиб, идора ва ташкилотларнинг маҳсул бўлимларида ишловчилар эмланмоқда. Лекин барибир эҳтиёт бўлган яхши.

Шунинг учун касалликни келтириб чиқариш хавфи бор жойларда 56 та текшириш ўтказилди. Шулардан 5 та қолбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ҳамда бозорда қассобчилик қилувчи 7 нафар жавобгар шахсларга санитария-гигиена талабларини бузганликлари учун 70 минг сўм жарима солинди.

Шунингдек, гўшт маҳсулотлари билан савдо қилувчи 33 та дўкнода санитария меъёрларига амал қилмаганлиги учун 158 минг сўм жарима ундирилган. Шу ўринда айтиш жоизки, халқимиз гўшт ва қолбаса маҳсулотлари харид қилаётганда, тозаллиги, сифат сертификатига алоҳида эътибор бериши зарур.

**Б.ЮСУПОВ,**  
Юнусобод тумани давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врач.

## ТАЛЛАШКОН ОРЗУСИ УШАЛДИ

Бундан 11 йил муқаддам Шеробод туманининг «Таллашкон» ширкат ҳўжалиги марказида Югославиянинг «ИБИ Инженеринг» фирмаси 60 ўринли касалхона қуришга ҳўжалик билан шартнома тузишган эди. Югославиялик ишбилармонлар бир йил ичида икки қаватли замонавий касалхонани қуриб битказишди.

Барча қулайликларга эга бу кўркам бинонинг ишга тушиши, таллашконликларга бир дунё қувонч келтирди. Эндиликда 20 қақирим йўл босишиб, туман марказига қатнашнинг ҳожати йўқ.

Бугунги кунга келиб ҳўжаликдаги соғломлаштириш марказида, болалар, терапия ва жарроҳлик бўлимларида 30 га яқин беморлар даволанишяпти. Касаллар учун барча қулайликлар муҳайё, кенг ва шинам хоналар ҳамда янги техникалар билан жиҳозланган ташхиз марказини кўриб дилингиз қувнайти. Касалхона атрофидаги 3,5 гектар жой ободонлаштирилиб, яшил боғ барпо этилган.

**Тўлқин ЖАЛИЛОВ,**  
«Ишонч» муҳбири.

**ISHONCH**  
**МУАССИС:**  
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

**Ташхир хайъати:**  
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.  
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган  
Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди 00.10

Маълуми: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.